

ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИ ЧАНДИҚЛИ ДЕФОРМАЦИОН АСОРАТЛАРИНИ ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Абдурахмонов Фарход Рахмонович

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ОСОБЕННОСТИ ЛЕЧЕНИЯ РУБЦОВО - ДЕФОРМАЦИОННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ЧЕЛЮСТНО - ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Абдурахмонов Фарход Рахмонович

Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

FEATURES OF TREATMENT OF CICATRICIAL-DEFORMATIONAL COMPLICATIONS OF COMBINED TRAUMA OF THE MAXILLOFACIAL REGION

Abdurakhmonov Farkhod Rakhmonovich

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: farhodhai1975@mail.ru

Резюме. Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари қўпинча турли хил оқибатлар ва асоратларга олиб келади, улар ичида чандиқли-деформацион асоратлари ўзига хос аҳамият касб этади. Жароҳатлардан кейин юзага келадиган атрофик, гипертрофик ва келлоид чандиқлар инсон ҳаёт сифатига салбий таъсир қиладиган оқибатлардан ҳисобланади. CO₂ фракцион лазер бугунги кунда юқоридаги чандиқли-деформацион асоратларни даволашда жуда яхши самара бериши аниқланди.

Калит сўзлар: чандиқли-деформацион асоратлари, юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари, CO₂ фракцион лазер.

Abstract. Maxillofacial injuries often lead to various consequences and complications, among which scarring and deformity complications are of particular importance. Atrophic, hypertrophic and atrophic scars that appear after injuries are among the negative consequences that negatively affect the quality of human life. Today, CO₂ fractional laser has been found to be very effective in treating the above scarring and deformity complications.

Keywords: scarring and deformity complications, maxillofacial injuries, CO₂ fractional laser.

Тадқиқотнинг долзарблиги Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари асоратлари ичида жароҳатлардан кейин юзага келадиган атрофик, гипертрофик ва келлоид чандиқлар инсон ҳаёт сифатига салбий таъсир қиладиган оқибатлардан ҳисобланади [1, 8, 9]. Шу сабабли юз-жағ соҳаси чандиқли деформацияларини даволаш доимий илмий изланишларни талаб қилинади. Юз – жағ соҳа юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларининг (ЮЖСЮТҚЖ) чандиқли деформацион асоратларини ташхислашни тизимлаштириш ва уларни барча ёшдаги беморларга қўллаш орқали даволашнинг самарали усулларига эришишга олиб келиши мумкин [2, 7]. Хитой олими К.С. Леенинг олиб борган изланишларига қўра чандиқли тўқималарни ҳолатини баҳолаш учун объектив ва субъектив жиҳатларини эътиборга олиб, юздаги чандиқлар сабабли уларнинг функционал камчиликларига урғу бериш муҳим эканлиги айтиб ўтилган [2, 3, 6, 9].

Бутун дунёда қўлланиладиган чандиқли тўқималарни баҳолашнинг Ванкувер жадвали (Vancouver Scar Scale – VSS), беморларда чандиқларни баҳолаш ва назорат POSAS- Patient and Observer Scar Assessment Scale усулларида фойдаланилади [5, 7].

Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари, уларнинг оқибатлари ва асоратларини олдиндан башоратлаш,

профилактика қилиш, ташхислаш ва даволаш замонавий тиббиёт олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади [2, 3, 4]. Шу сабабли юз суякларини синиши ва юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари оқибатида юзага келадиган асоратларни башоратлаш ва уларни даволашнинг патогенетик хусусиятларини етарлича ўрганиш уларнинг чандиқли асоратларини профилактика қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот материали ва унинг усуллари. Тадқиқот жараёнига шифохонага ётқизилган катта ёшдаги 186 нафар беморнинг (91(48,9%) нафарида жароҳатларни йиринглаши, 79 (42,5%) нафарида чандиқли деформацион ва 16(8,6%) нафарида эса тўқима ва аъзолар нуқсонлари аниқланди. Ушбу беморлар 2019 ва 2024 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика Ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали юз-жағ жароҳатлиги бўлимларида даволанган беморлар жалб қилинди. Юқоридагиларнинг аксарият қисмини туман шароитида истиқомат қилувчилар (71,7%) бўлса, шаҳар аҳолиси (28,3%) уларнинг камроқ қисмини ташкил қилади.

Жадвал 1. Юз – жағ соҳа юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари 1-, 2- ва 3-гуруҳидаги беморларнинг чандикли асоратлар юзларининг динамикада ўзгариш натижалари

Тадқиқот гуруҳлари	Жароҳат юзларининг ўзгариши					
	Жароҳат юзасининг ўзгариши см ² ифодаланиши			Жароҳат юзасини ўзгариши фоизларда ифодаланиши		
	1-кун	30-кун	60-кун	1-кун	30-кун	60-кун
1- назорат гуруҳи	20±4,5 см ²	15±3,2 см ²	5±1,6 см ²	100%	75%	25%
2- асосий гуруҳ	21±5,3 см ²	9,2±2,4 см ²	0,5±0,3 см ²	100%	43,8%	5,3%
3- асосий гуруҳ	22±6,2 см ²	8,4±3,1 см ²	0,3±0,1 см ²	100%	38,1%	1,36%

Мавжуд туманларда яшовчи беморларнинг қарийб барчаси дастлаб яшаш ҳудудларидаги шифохоналарда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, сўнгра юз-жағ жароҳлиги бўлимларига юборилган.

Тадқиқот натижалари. Ушбу гуруҳга ЮЖСЮТЖАларининг СО₂ фракцион лазер нурлари ва ультрафонофорез усулида даволаш самарадорлигини аниқлаш мақсадида 55(27,1%) нафар киритилди, жумладан уларнинг 46(91%) нафари чандикли-деформацион ва 5(9%) нафари юз тўқима ва аъзолари нуқсонларини ташкил қилди. Шунингдек, ушбу беморларнинг 19(36,7%) нафари эркаклар ва 32 (63,6%) нафари аёллар ҳисобланади, уларнинг ўртача ёши 33±1,5 ни ташкил қилди. Кечки асоратларни келтириб чиқарган жароҳатларнинг нисбатан кўпроқ қисмини 27 (54, 3%) нафарини автоҳалокатлар натижасида олган жароҳатлардан ва 12 (22,6%)нафарини эса ижтимоий жароҳатлар оқибатида юзага келган. Қолган 13 нафар беморлардаги асоратлар бошқа сабаблар оқибатида юзага келган. Бундан ташқари асоратларнинг жойлашувида кўра таҳлил қилинганида юзнинг юқори зонаси жароҳатлари асоратлари 6 нафар, ўрта зонаси жароҳатлари 29 нафар ва пастки зонаси асоратлари 33 нафар беморда кўзатилган.

Бунинг учун ДЕКА СО₂ фракцион лазер тиббий жихозидан фойдаланилди.

Ультрафонофорез даволаш курси 8-10 марта олиб борилди. Такрорий муолажалар эса ҳар икки ойда олиб борилди. Беморга силикон гели чандикли терига сурилгач, микровибрацияли тўлқин ВТЛ 5720 мосламасида олиб борилди. Бунда беморларга узлуксиз 880 кГц частота интенсивликдаги 0.2Вт/см² кучланишда 6-10 минут давомида умумий даволаш курси 8-10 марталик муолажадан иборат даво курси олиб борилди. Ҳар бир муолажанинг давомлилиги чандикли тўқиманинг ҳажмига боғлиқ. Силикон гели таркибидаги тотипотент илдиз ҳужайраларидан олинган биоактив омилларга эга силикон гелдир, диметикон, юз соҳасидаги чандикларни юмшатиб юз терининг тикланишига олиб келади.

Хулоса. Сўзимиз якунида, ЮЖСЮТҚЖ чандикли деформацион асоратлари чандикларга қарши силикон гели билан ультрафонофорез ва СО₂ лазернинг самарадорлиги анъанавий даволаш усуллари нисбатан анча самарадор эканлигини кўрсатди. Бу эса юздаги чандикларнинг силликлануви, мимика ва чайнов мушаклари фаолиятининг яхшиланганлиги билан асосланди.

Адабиётлар:

1. Боймуродов Ш.А., Ризаев Ж.А., Абдурахмонов Ф.Р. Юзнинг ўрта зонаси қўшма жароҳатлари ва уларни реабилитация қилиш чора тадбирлари // Биология ва тиббиёт муаммолари 2023, №4 (249-251)

2. Боймуродов Ш.А., Ризаев Ж.А., Абдурахмонов Ф.Р. Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари оқибатларининг ўзига хос жиҳатлари. // Биомедицина ва амалиёт журнали | Журнал биомедицины и практики | Journal of biomedicine and practice №3 | 2023 28

3. Герасименко М.Ю. и др. Новые аспекты реабилитации больных с посттравматическими дефектами и деформациями челюстно-лицевой области // Вопросы курортологии, физиотерапии и ЛФК. - 2000-№6-С. 27-29

4. Густов А.В., Котов С.А., Конторщикова К.Н. Озонотерапия в неврологии. Н.Новгород 2011; 31-32.

5. Герасименко М.Ю. Особенности физиотерапии в стоматологии. // Альманах клинической медицины 2т.2.-2010- С. 436-444.

6. Каримов Х.Я. и др. Метод озонотерапии Сукцина-сол. Метод. пособие для врачей. Ташкент 2011; 5-10, С. 14-19.

7. Ризаев Ж.А., Боймуродов Ш.А., Абдурахмонов Ф.Р., Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатларидан кейинги йирингли - яллиғланиш асоратлари ва уларни башоратлаш// Биология ва тиббиёт муоммолари журналы. – Самарқанд 2023-№ 4. С 107-109.

8. F.R.Abdurakhmonov et al Special choices for the treatment of complications of the soft tissue injuries of the facial region // The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research/ Volume 05 issue 10 pages 24-26

9. F.R.Abdurakhmonov et al Complications of the combined soft tissue injuries of the maxillafacial region and the role of innovative methods for it's treatment // Science and innovation Volume 02 issue 11 November 2023 pages 167-169

ОСОБЕННОСТИ ЛЕЧЕНИЯ РУБЦОВО - ДЕФОРМАЦИОННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ЧЕЛЮСТНО - ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Абдурахмонов Ф.Р.

Резюме. Сочетанные повреждения челюстно-лицевой области часто приводят к различным последствиям и осложнениям, среди которых особое значение имеют рубцовые и деформационные осложнения. Атрофические, гипертрофические и келоидные рубцы, возникающие после травм, относятся к числу последствий, негативно влияющих на качество жизни человека. Сегодня установлено, что фракционный СО₂-лазер весьма эффективен при лечении вышеупомянутых осложнений, связанных с рубцеванием и деформациями.

Ключевые слова: рубцово-деформационные осложнения, повреждения лицевого-челюстного сустава, фракционный лазер СО₂.